



Logical interpretation of pragmatic information and speech impact

Nigorabonu SUVONOVA¹, Dilfuza ATAULLAYEVA²

markand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2025

Received in revised form

15 January 2025

Accepted 25 February 2025

Available online

15 March 2025

Keywords:

pragmatic aspect,
speech impact,
pragmatic information,
recipient,
symbol pragmatics,
pragmeme.

ABSTRACT

This article examines the pragmatic aspects of semantics and communication theory, and explores the philosophical, logical, and psychological interpretation of the pragmatic aspect inherent in text and symbols. In addition, in the process of speech exposure, the explicit and implicit state of pragmatic information was analyzed using a specific interpretation from the point of view of several prominent linguists and philosophers. It is believed that this situation helps to solve some problems of textual pragmatics and speech influence.

2181-3663/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol3-iss1-pp1-7>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Прагматик маълумот ва нутқий таъсирнинг мантиқий талқини

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

прагматик аспект,
нутқий таъсир,
прагматик маълумот,
реципиент,
белгилар прагматикаси,
прагмема.

Ушбу мақолада семантика ва мулоқот назариясининг прагматик аспектлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, унда матнга хос прагматик аспект ҳамда белгиларга хос прагматик аспектнинг фалсафий, мантиқий ва психологик талқини ўрганилган. Шунингдек, нутқий таъсир жараёнидаги белги ва матнга хос прагматик маълумотнинг эксплицит ва имплицит ҳолати бир қанча таниқли тилшунос ва файласуфларнинг қарашларидаги ўзига хос талқини орқали таҳлил қилинган. Бу ҳолат эса матн прагматикаси ва нутқий таъсирнинг айрим муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериши кўриб чиқилган.

¹ Candidate of philological sciences, Professor, Samarkand State Institute of Foreign Languages. Samarkand, Uzbekistan. E-mail: suvonova@samdchti.uz

² Senior Lecturer, Samarkand State Institute of Foreign Languages. Samarkand, Uzbekistan. E-mail: dilallia@mail.ru

Логическая интерпретация прагматической информации и речевое воздействие

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

прагматический аспект,
речевое воздействие,
прагматическая
информация,
реципиент,
прагматика символов,
прагмема.

В этой статье рассматриваются прагматические аспекты семантики и теории коммуникации, исследуется философская, логическая и психологическая интерпретация прагматического аспекта присущая тексту и символам. Кроме того, в процессе речевого воздействия эксплицитное и имплицитное состояние прагматической информации были проанализированы с помощью специфической интерпретации с точки зрения нескольких выдающихся лингвистов и философов. Считается, что такая ситуация помогает решить некоторые проблемы текстовой прагматики и речевого влияния.

Лингвистик белги, маълумот ва матнларга хос прагматик аспект масаласи контекстда *нутқ фаолияти*, *мулоқот* ва *стилистик* назариялар доирасидаги муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Авваламбор, санаб ўтилган соҳалар доирасида *мулоқот* ва *нутқ фаолияти* тилнинг ҳар қандай доирасида ўзаро фарқланиши ва услуб масаласи ҳам мулоқотнинг аниқ бир мақсад сари йўналтирилган қурилиши билан боғлиқ тарзда амалга ошади.

Одатда тилшуносликка оид адабиётларда, хусусан, семантика ва мулоқот назарияси борасидаги манбаларда матнга хос прагматик аспект бир томонда, белгиларга хос прагматик аспект эса иккинчи бир томонда алоҳида тарзда ўрганилади. Тадқиқотчилар Ч. Морриснинг «*Прагматика – бу семиотиканинг белгилар манбаи, уларнинг қўлланиши ва таъсирига бағишланган бўлимидир*» (Ch.Morris 1964, p.44) деган машҳур фикрига таяниб иш қўришига қарамасдан, *матн прагматикаси* ва *белги прагматикаси* кўп ҳолларда бир-бирига боғлиқ эмас, деган қарашлар ҳам мавжуддир.

Тилшунослар белгини прагматик аспект нуқтаи назаридан тадқиқ қилаётиб, унинг доимо бир томонлама вазифасига ва шунингдек, унинг маъноларига хос *модал*, *баҳоловчи*, *эмоционал* ҳамда *экспрессив* компонентларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бунда система томонидан қабул қилинадиган маълумотлар таҳлил қилинмайди. Барча тўпланган ёки матн учун фойдали ҳисобланган маълумотлар *прагматик маълумотлар*, деб тан олинади. Шундай қилиб, маълум бир белгини прагматик нуқтаи назардан мазмун планида тадқиқ қилиш жараёнида махсус прагматик аспект ажралиб туради ва бунда маълумот ҳамда матнни прагматик жиҳатдан кўриб чиқишда семантик ва прагматик маълумот асло алоҳида ажратилган тарзда олиб қаралмайди.

Прагматикани бундай ноанъанавий тарзда кенг нуқтаи назардан тушуниш матн ва маълумотга нисбатан уларнинг адресат ва адресант томонидан қараш билан боғлиқдир. Бу ҳақда Ю.А. Шрейдер шундай ёзади: «*Рассмотрение передаваемого текста с точки зрения приемника – это прагматика, а с точки зрения передатчика – семантика*» (Ю.А. Шрейдер 1997, с. 41). Маълумот ва матн прагматикасига нисбатан қўлланган худди шундай тадқиқ усулини мулоқот самарасини ўрганишга, хусусан, унинг миқдорий ўзгаришини кузатишга нисбатан ҳам тадбиқ этиш мумкин.

Матн самараси ҳақиқатдан ҳам, қабул қилинаётган маълумотнинг мулоқотдан олдинги ва кейинги ҳолатини қиёслаш орқали тасвирланади. Бу ҳодиса бир томондан, маълумотнинг олдиндан хабар қилинишига, яъни тезаурусига, иккинчи томондан эса, матн тавсифига боғлиқдир. Матн самараси, ундаги маълумот ўзатиш хусусияти ва ундан хабарни ўзатувчи ва қабул қилувчилар томонидан олинган маълумотлар, буларнинг барчаси Ю.А. Шрейдер томонидан қисқа қилиб, «*Степень изменения тезауруса под действием данного сообщения*» (Ю.А. Шрейдер 1997, с. 34) деб таърифланади.

Бироқ матндаги маълумотларнинг ўзига хос прагматик аспекти унинг белгига хос прагматик аспект билан мос келишини тадқиқ этиш лозим. Бу ҳолат эса матндаги маълумотларнинг сифатий жиҳатини тавсифлашга имкон беради. Хусусан, матн ва ундаги маълумотнинг реципиентга бўлган таъсирини таъминловчи аспект ўз навбатида мулоқот самарасининг нутқий таъсир жараёнини батафсил ўрганиш учун зарурдир. Матндаги прагматик маълумотларни тўплаш жараёнини ундаги маълумотларнинг ўзига хос прагматик аспектига эътибор қилмасдан ўрганиш мумкин эмас.

Матн ва ундаги маълумотлар прагматикасини аниқроқ тарзда тушуниш мавжуд шундай ҳолатларни инobatга олгандагина намоён бўлади, хусусан, қуйидаги мулоҳазага эътибор қилайлик: «*Событие жизни текста, то есть его подлинная сущность всегда развивается на рубежу двух сознаний, двух субъектов*» (М.Бахтин, 1986, с.127). Бунда маълумотни ўзатувчи, матн ва қабул қилувчи ўртасидаги муносабатлар системаси инobatга олинади. Айнан шундай ҳолатларда маълумот нафақат аниқликка эга бўлади, балки, уни қандай қўллашни бошқара олиш ҳам муҳим. Бинобарин, бундай ҳолларда гап нафақат баҳолаш ҳақида, балки, маълумот мақсади ҳақида боради. Муаммога нисбатан бундай ёндашув қуйидагича тавсифларнинг пайдо бўлишига олиб келади:

«*Информировать другие системы – это лишь особая форма управления*» (Г.Клаус, 1967, с. 63);

«*Источник информации и её получатель необходимо находятся в отношениях управляющей и управляемой системы*» (Ю.А. Шерковин, 1993, с.29);

«*Информация необходимым образом связана с действием и выполняет в нём регулирующую роль*» (З. Цацковский, 1993, с.90).

Бунда прагматика «*нутқнинг теологик аспекти*» (Э.М. Медникова, 1990, с. 53) сифатида тушунилади. Матнга нисбатан бундай теологик нуқтаи назардан ёндашув, унинг «*бошқарувчи*» вазифасини кузатиш матннинг семантик ва прагматик тавсифини худди алоҳида белгининг семантик ва прагматик аспектини фарқлаш сингари қарама-қарши қўйишни талаб этади. Масалан, Ч. Мориссинг (Ch.Morris 1964, p.102) *белги-десигнаторларни аппрейзор ва прескрипторларга* нисбатан қарама-қарши қўйиши, Л.А. Киселёвнинг (Л.А. Киселёва 1991, с. 10-12) *информема ва прагмемаларни бир-бирига зидлаши* ҳам худди шу оппозицияга асослангандир. Шунингдек, А. Леонтьев (А. Леонтьев 2020, с. 119) матн мазмуни ва унинг таъсири билимлар доирасида, у ёки бу фаолиятга хос малака ва кўникмалар доирасида, хусусий фаолият ва унинг амалга ошиши доирасида, асос ва тафсилот доирасида амалга ошиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу ҳақда Н.Г. Комлев (Н.Г. Комлев, 2017, с. 319) шундай ёзади: «*Коммуникационный эффект может проявиться у рецептора: а) в чисто информационной сфере; б) в мотивационной сфере; в) в поведении; г) в комбинации всех этих видов воздействия*». Матннинг бошқарувчилик вазифаси ишониш жараёнида амалга ошиши эса шубҳасиздир.

Реципиент фаолияти ва онгининг асосли жиҳатиға нисбатан бўлган таъсир энг муҳим ҳисобланади. Бу борада қуйидагича мулоҳазаға ҳам дуч келиш мумкин: *«Важной особенностью мотивировки является её модальность: желательность, возможность, долженствование, необходимость, взятие в их различных сочетаниях»* (А.Л. Свенцицкий 2004, с.104). Шунингдек, мотивация баҳо ва ҳис-туйғу билан ҳам боғлиқдир.

Шундай қилиб, матннинг реципиент, хусусан, унинг мотивацион доираси таъсири билан алоқадор бўлган ўзига хос прагматик маълумот модал, эмоционал ва баҳоловчи маълумот бўлиб ҳисобланади, яъни матн прагматикаси ва матндаги маълумот юқорида санаб ўтилган, яъни белгининг прагматик аспектини тавсифловчи ўзига хос ўлчамлар орқали аниқланади. Бироқ ҳар қандай матнда бундай маълумотнинг мавжудлиги ҳануз мунозаралидир. Бир қатор ишларда бу муаммо ижобий ҳал қилинган. Масалан, қуйидаги фикрга эътибор қилайлик : *«Любая форма вербальной связи содержит в себе элемент эмоционального значения. Это находит выражение в подтексте, дополнительном смысловом значении вербального общения или модальности речи»* (Б.Д. Парыгин, 1991, с. 234).

Бу муаммо бошқача тарзда ҳам қўйилиши мумкин, яъни, агар матнда ўзига хос прагматик маълумотларни ифодалаш ва тўплаш учун унга хос воситалар зарур бўлса, ҳар қандай матн ҳам ўз маъносида махсус прагматик компонентдан иборат белгига эгами? Агар эга бўлмаса, бундай белги мавжуд бўлган матнларда прагматик маълумот қандай тарзда берилади? деган саволлар ҳам алоҳида ечим талаб масалалардан бири саналади.

Албатта, матнда ўзига хос белгиларнинг, яъни прагмемаларнинг, хусусан, *сигнал, симптом, анпрейзорларнинг* мавжуд бўлиши шарт эмас. Қуйида М.Н. Кожинанинг тилға хос стилистик воситалар борасидаги аналогик мулоҳазасига эътибор қилайлик: *«Стилистически маркированные в системе языка средств составляют ничтожный процент, далеко не достаточный для реализации появляющихся в процессе коммуникации целый, задач»* (М.Н. Кожина 2020, с. 277). Бундай мулоҳаза биринчидан, прагматик маълумотларнинг ифода воситаларини тадқиқ этишни давом эттиришға ундаса, иккинчидан эса, шу муносабат билан информема (дисигнаторлар) каби белгиларни кузатишға алоҳида эътибор беришни талаб этади. Биринчи ҳолатда бундай белгилар прагматик семадан иборат бўлмайди. Улар тилға хос прагмалар ҳисобланмайди ва нутқий прагмемалар сифатида ҳам хизмат қила олмайди. Бундай ҳолларда уларнинг имконияти контекстда прагматик маъно касб этишға ва нутқда прагматик функцияни бажаришға асосланган бўлади.

Бу шубҳасиз, сўзға хос ҳар қандай белгининг (авваламбор, тўлиқ мустақил маъноли сўзлар ҳақида гап бормоқда) денотат ва сингнификатив маъноси прагматик белгилар системаси орқали талқин қилиниши мумкинлиги ҳамда уларнинг модал, эмоционал, ахлоқий, эстетик, интеллектуал ва норматив баҳолаш таъсири орқали тадқиқ қилиниши билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, баҳоловчи прагматик белгилардан келиб чиқадиган ҳамда борлиқнинг тасвирланаётган белгисига нисбатан маълумотни ўзатувчи ва қабул қилувчи ўртасидаги муносабатларни тавсифловчи белгига хос аспект ҳар қандай маънода мавжуд бўлади.

Баъзи ҳолларда маъноларга хос белги аспекти эксплицит, бошқа ҳолларда эса имплицит тарзда бўлади. Агар маънонинг белги аспекти эксплицит тарзда бўлса, у ҳолда сўзлар бевосита баҳо, ҳис-туйғу, модаллик кабиларни ифодалайди, шунингдек, улар маъно структурасида ўзларига мувофиқ компонентдан (прагматик семадан) иборат бўлади ва бунда белги тилга хос прагмема сифатида ҳосил бўлиши мумкин.

Маънонинг белги аспекти имплицит тарзда бўлса, у ҳолда эса белгини тилга хос прагмема сифатида баҳолаш мумкин эмас ва қолаверса, у прагматик маълумотни ноаниқ тарзда ўзатади. Ҳатто, белги норматив ҳолда қўлланилганда ҳам унинг нутқдаги референтида барча маъноларни, жумладан, прагматик маънони ҳам тавсифловчи белгилар акс этади. Бу хусусда қуйидаги мулоҳазага эътибор қаратиш лозим бўлади: *«При информативном употреблении знаков, производитель знаков пытается побудить интерпретатора действовать так, как будто какая-либо настоящая, прошедшая или будущая ситуация имеет те или иные характеристики»* (Ch.Morris 1964, p. 97).

Бундай белгилар айнан билвосита номинация ва кутилмаганда моҳирона тарзда қўлланиш ҳолларида нутқий прагмемага айланади. Тилга хос ва нутқий прагмемалар прагматик маълумотни эксплицит тарзда ўзатса, қолган белгилар эса уларни имплицит тарзда ўзатади. Прагматик маълумотни имплицит тарзда ўзатиш имконияти матннинг прагматик даражасини оширишга ёрдам беради.

Таъкидлаш лозимки, прагматик маълумотни айнан имплицит тарзда ўзатиш мақсадга мувофиқдир. Бунда прагматик маълумот матнда иштирок этмаганлигига қарамасдан, реципиент онгига маълум даражада таъсир кўрсата олиш мумкин. Яъни ушбу жараён реципиентни аниқ вазиятга ёки маълум бир қарорни танлашга тайёрлайди.

Матн маълум бир ҳаяжон, баҳо ва хулоса кабиларни реципиентга боғламайди, аксинча, у бу масалага батамом бефарқ бўлиб, реципиент ҳолатига яқин тарзда иш кўради ва шу вақтда у маъно майдонидаги имплицит таъсирни амалга оширади. Бу ерда матндаги маълумот ва реципиентнинг олдиндан ўрнатилиши ўртасида имплицит қарама-қаршилик мавжуд бўлмайди. Янги маълумот реципиентга хос баҳолар тизимида амалга ошади ва у шубҳасиз, ишончли тарзда намоён бўлади. Бу хусусда шундай мулоҳаза мавжуддир: *«убеждение состоит в точном отождествлении нового с тем, что он (реципиент) уже знает, как бы в выведении нового из признанного им ранее за истинное, либо же посредством предъявления нового его зрению и другим органом чувств»* (Б.Ф. Поршнев, 2002, с. 27).

Бундай хулоса ва баҳоловчи мулоҳаза эксплицит тарзда шаклланмайди, яъни улар матндан реципиентлар орқали мустақил ҳолда ажралиб туриши лозим, бинобарин, улар матн таҳлили вазифасини ўзлари мустақил ҳолда ҳал этиши лозим. Матнни идрок қилиш жараёнида реципиент орқали мустақил ҳолда янги маълумот пайдо бўлади.

Шундай қилиб, матн орқали ўзатиладиган маълумотнинг сифатий жиҳатини ҳамда унинг самарасига боғлиқ мураккаб тизимларни кузатиш белгининг ўзига хос прагматик аспекти алоҳида тадқиқ қилишни талаб этади. Бундан ўзига хос прагматик маълумот ҳар қандай матнда берилиши мумкин, деган хулосага келиш лозим. У нафақат белгилар, яъни прагмемалар (*сигнал, симптом аппрейдзорлар*), балки, белгилар орқали бериладиган информемалар (*десигнаторлар*) ёрдамида ҳам

ифоданиши мумкин ҳамда бундай информемалар эксплицит ва имплицит, актуаллашган ва актуаллашмаган, бошқача қилиб айтганда, белгидан ажралмаган ҳолда бўлади.

Нафақат *прагмема* ва *информема* белгиларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, балки, белги маъносининг семантик ва прагматик компонентларини, шунингдек, белгининг прагматик маълумот ўзатишдаги эксплицит ва имплицит ҳолатларини ҳам қарама-қарши қўйиш релевант ҳодиса ҳисобланади. Прагматик маълумот ўзатишдаги белги-информемаларнинг айнан имплицит ҳолатини тан олиш тилга ва нутққа хос прагмемаларга эга бўлмаган матнда прагматик маълумот қандай қилиб ўзатилиши ва тўпланишини тушунтиришга имкон беради. Шу сабабли, тилга хос информемаларнинг нутққа хос прагмемаларга айланишини тушунтириш лозим бўлади.

Белгига ва матнга хос прагматик маълумотнинг эксплицит ва имплицит ҳолатини қарама-қарши қўйишдан фойдаланиш ҳар қандай турдаги, жанрдаги ва функционал услубдаги матнларнинг прагматик маълумотларини тўплаш жараёнининг ҳамда матннинг турли функционал-нутқий доирадаги маълумотни ўзатиш даражасини тадқиқ қилиш имкониятларини очиқ беради. Бу ҳолат матн прагматикаси ва нутқий таъсирнинг бир неча муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Morris Ch. Signification and significance. –Cambridge: Mit Press. 1964. –P.44 / -P. 29-126.
2. Шрейдер Ю.А. О семантических аспектах теории информации. / Информация и кибернетика, -Москва, 1997. –С. 41. / –С. 15-47.
3. М.Бахтин. Эстетика словесного творчества. –Москва: Искусство, 1986. 2-изд. – 445с.
4. Клаус Г. Сила слова. Гносеологический и прагматический анализ языка. - Москва: Прогресс, 1967. — 216 с.
5. Шерковин Ю.А. Психологические проблемы массовых информационных процессов. –Москва:Мысль. 1993. -214 с.
6. <http://lib.mgppu.ru/OpacUnicode/app/index>.
7. Цацковский З. Регуляция, информация, сознание. / Вопросы философии. 1993, №5. –С. 83-91.
8. Медникова Э.М. Значение слова и методы его описания. –Москва:ВШ, 1990. -205. <https://www.phantastike.com/linguistics/>
9. Киселева Л.А. Язык как средства воздействия. –Ленинград, 1991. -59 с. https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_007396252/
10. Леонтьев А. Проблемы развития психики. -2020. <https://www.litres.ru/book/aleksey-nikolaevich-leontev>
11. Комлев Н.Г. Слово в речи: Денотативные аспекты, 2017. <https://urss.ru/cgi-bin/db.pl?lang>
12. Свенцицкий А.Л. Социальная психология, 2004. – 336 с. <https://www.svfu.ru/universitet/rukovodstvo-i-struktura/>
13. Парыгин Б.Д. Основы социально-психотической теории. –Москва: Мысль, 1991. -351 с. <http://lawlibrary.ru/izdanie10624.html>
14. Кожина М.Н. Речеведение. Теория функциональной стилистики. 3-е изд. - Москва:ФЛИНТА, 2020. -623 с. https://biblioclub.ru/index.php?page=book_red&id=564854

15. Поршнеv Б.Ф. Феномен человеческой речи. <https://psylib.org.ua/books/porsh01/txt03.htm>

16. Suvonova N. Imperativ paremiyalarning kommunikativ-pragmatik xususiyatlari (fransuz tili materialida) / Хорийй лингвистика ва лингводидактика–Зарубежная лингвистика и лингводидактика–Foreign Linguistics and Linguodidactics Issue –1No 1(2023) / ISSN 2181-3701 (20-28) DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss1-pp20-28>.

17. Ataulayeva D., Xayrullayeva A. Characteristics of emotional states: psychological and linguistic aspects. / International Journal for Innovative Engineering and Management Research. 2022/5, vol.11. DOI: 10.48047/IJEMR/V11/I05/29